

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 208 (5301).

23
ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 3 тийин.



СССР Олий Совети Президиумининг Фармони
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК
РЕСПУБЛИКАСИНИ ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ
ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги, Улуғ
Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун ва дунёда биринчи
кўп миллатли социалистик давлат Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқини мустақамлаш учун курашдаги катта хизматлари учун, Вата-
нимиз душманларига қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ва комму-
нистик қурилишдаги муваффақиятлари учун Ўзбекистон Совет Соци-
алистик Республикаси Октябр Революцияси ордени билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 21 октябрь



ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 50-йиллигига бағишланган тантанали мажлиси президиуми.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети,
СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети
Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини
ва уларнинг жанговар авангарди-коммунистларини шоғли-
сана — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбеки-
стон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги бил-
ан қизғин табриқлайди.

Улуғ Октябр социалистик революциясининг ғалабаси натижа-
сида Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз Совет давлатини барпо этишлар,
халқининг тақдирини ўзгартриб юборган тўб социал ўзгартриш-
ларини амалга ошириш учун чинакам озодлик, кенг имконият олди-
лар. Чор Россиясининг ўтмишдаги қопок чекиа ўлкаси эндиликда
мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаб турган республикаларидан бирига
айланди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон Совет Социали-
стик Республикаси социалистик миллатларнинг ахил оқласида, рус
халқининг ва СССРдаги бошқа халқларнинг кундалик, беғараз на-
досларча ёрдамидан баҳра олди. Коммунистик партия раҳбарлиги-
да иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишда баҳодирона са-
раш қилди.

Ўзбекистон ўзининг ярим асрлик юбилейини жуда катта му-
ваффақиятлар билан кутиб олди. Республикада бир минг уч юзта
замонавий завод ва фабрика ишлаб турибди. Улар юздан ортиқ
тармоққа, шу жумладан машинасозлик, қон-металлургия, опти-
каши, авиация, химия, тўқимачилик саноатига мансуб корхонала-
рди. Шу вақт ичда саноатнинг ялпи маҳсулоти 140 баравардан
зиёд кўпайди. Кишлоқ ҳўжалиги муттасил, интенсив равиола-
ниб бормоқда. Мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбеки-
стон мамлакатимизда етиштирилаётган қоқ оптининг уч-
дан икки қисмидан кўпрогини бериб турибди. Сабза-
вот, мева, узум, полиз маҳсулотлари, сўт, гўшт ва кишлоқ
ҳўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш кўпаймоқда. Ко-
йини йилларда Мирзачўл, Қарши ва Сурхон-Шеобод даштларига
сўв чиқариш соҳасида улкан ишлар қилинди.

Халқнинг маданий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўл-
ди. Ўзбекистон ёппасига саводхон илғор фан длабнўт ва санъат
республикаси бўлиб қолди. Хотин-қизлар озодлиққа чиқарилганлиги
катта социал ғалабаларининг бири бўлди. Эндиликда республика
хотин-қизлари иқтимоий ҳаётда янги жамиятини барпо этишда ак-
тив катнашмоқдалар. Меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ош-
моқда, шаҳар ва кишлоқларнинг қиёфаси ўзгармоқда. Уй-жой қу-
рилиши кенг қўлч бўлди. Соҳибнамо шаҳар — Тошкент энди-
ладан кейин қайта барпо этилиб, халқлар дўстлигининг рамзи бў-
либ қолди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари халқлар дўстлигини мустақамлаш-
га, мамлакат, ҳар бир Совет республикаси раънақи ва қудрати-

нинг мустақам негизи бўлган Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқининг иқтисодик ва маданий ривожлантиришга ўз
муносиб ҳиссаларини қўшиб келдилар ва қўшмоқдалар. Улар совет
халқларига хос ажойиб фазилатларини, социалистик Ватан бахт-
содати йўлидаги меҳнатда фидокорлиқни, марксизм-ленинизм
ғояларига садоқатини намойиш қилмоқдалар. Улуғ Ватан урушининг
даҳшатли йилларида Ўзбекистоннинг ўғил ва қизлари бутун совет
халқи билан биргаликда немис-фашист босқинчиларга қарши қаҳ-
рамонона жанг қилдилар, мамлакат ичарисидан фронт учун мар-
дона меҳнат қилдилар, социалистик Ватанга чексиз содиқ экан-
лиқларини кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССРнинг жуда катта ютуқлари-коммунистик пар-
тия ленинча миллий сиёсатининг, совет халқлари бўзилмас қардош-
ларча дўстлигининг, уларнинг ўзаро ёрдамининг натижасидир,
республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари илҳом билан қил-
ган меҳнатнинг самараларидир.

Республика меҳнаткашларининг муваффақиятлари КПССнинг йи-
рик жанговар отрядларидан бири — коммунистик қурилишнинг
ўлуғвор планларини амалга ошириш, меҳнаткашларини совет вата-
парварлиги ва пролетар интернационализм руҳида тарбиялаш со-
ҳасида катта ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишини олиб бораётган
Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фаолияти билан узвий ра-
вишда боғланган. Ўзбекистон меҳнаткашлари партия ташкилотла-
ри раҳбарлигида ўз қуч-ғайратларини КПСС XXIV съезди томони-
дан кўйилган вазифаларини амалга оширишга сарфламоқдалар.
КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати-
га жаеобан улар тўққизинчи беш йиллик планни, беш йилликнинг
тўртинчи, белгиласчи йили учун қабул этилган социалистик мажбу-
риятларини муддатидан аввала бажариш учун сабот билан кураш-
моқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети,
СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети
Ўзбекистон ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳ-
наткашларини юксак мукофот — Октябр Революцияси ордени
билан самимий табриқлайдилар ва республика меҳнаткашлари
коммунистик қурилишда янгидан-янги катта муваффақиятларга
эришадилар, деб катъий ишонч билдирадилар.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси!
Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Коммунистик
партияси!

Яшасин Социалистик Ватанимиз барча халқлари дўстлиги ва
қардошлигининг таянчи — Совет Социалистик Республикалари Итти-
фоқи!

Яшасин коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчи-
си — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Э Л Л И К Ё Ш Д А
Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқи

Азиз Ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Ко-
митети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Минис-
трлар Совети номидан ва КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари Л. Н. Брежнев номидан шоғли тобилай,
буюк халқ байрами — Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг
50 йиллиги муносабати билан сизларга — шу тантанали
мажлис қатнашчиларига ва сизлар орқали республика
коммунистларига, барча меҳнаткашларига энг самимий
саломларни топириб муобрақбод қилишга ижозат бер-
гайсиз! Табриқномаи республиканингта топиришга
ижозат бергайсиз. (Қарсақлар).

Мен шу фахрли топириқни бажариб, сизнинг таян-
наварингизда иштирок қилаётганлигидан астойдил
мамнун ва хурсандман.

Бу йил бир неча иттифоқдош республика ўзининг ярим
асрлик юбилейини нишонламоқда. Кўп миллатли соци-
алистик Ватанимиздаги республикалардан ҳар бирининг
юбилейи умумиттифоқ, умумхалқ аҳамиятига элик
воқеъдир.

Мамлакатимизнинг барча халқлари бугун Совет
Ўзбекистонининг эллик йиллигини сизлар билан бирга
нишонламоқдалар. Биз бу залда барча иттифоқдош рес-
публикаларнинг делегацияларини кўриб турибмиз. Мил-
лионларча рус ва украинлар, белоруслар ва қозоқ-
лар, грузинлар ва озарбайжонлар, литвалликлар ва мол-

давалар, латвишлар ва қирғизлар, тожинлар ва армян-
лар, туркманлар ва эстонлар, Совет Иттифоқидан барча
миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари ўзларини бу ерда
ҳозир бўлгандек ҳис этмоқдалар. Улар мамлакатимизда
коммунизм қуришдан иборат муштарак ишга катта ҳис-
са қўшаётган қардон Ўзбекистоннинг гоят буюк муваф-
фақиятларидан астойдил хурсанд бўлмоқдалар. (Қарсақ-
лар).

Сизнинг республикангиз катта ва шоғли йўли босиб
ўтди. Тарихан қисқа давр ичда буюк иқтисодий, социал-
сиёсий ва маданий ўзгаришлар амалга оширилди. Соци-
ал тараққиёт учун энг нешқадам курашчилар дадил ор-
зу қила олган нарсалар рўёбга чинди. Ўзбек халқининг
ҳаётинда рўй берган ҳақиқатан ҳам буюк ўзгаришларга
муносиб баҳо бермоқ учун ҳозир ажойиб ҳаётни ўт-
мишдаги аҳвол билан таққослаб кўриш қийон.

Чоризм, Урта Осиё билан Қозогистонни Россиянинг
шунчаки бир аттар-ҳом ашё манбаи деб ҳисоблар эди.
Махаллий феодаллар меҳнаткашларни шайқасиз талар
ва эксплуатация қилар эдилар, муттаасиб мусулмон ру-
ҳонийлари меҳнаткашларни маънавий асоратга солган
эдилар. Бу ерда самодержавие жабр зулми энг рағил
формаларда намоён бўлди. Халқ оmmas очликка, юр-
ғили насалликлар ва жаҳолатга маҳкум этилган эди. Хо-
тин-қизлар-айниқса муҳршн ҳуқуқиз ҳаёт кечирар эди.

(Давоми иккинчи бетда).



ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССРга Октябр Революцияси орденининг топирилиши.
А. Горюхин ва А. Авазов фотолари, (ЎзТАГ).

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг таяннали мажлиси

«Утлаб-яллаган» За-
кискин дидерди татта
кумучли байрам бошлан
Унинг шахар ва қишлоқ
ри ранг-баранг либос ки-
Хар қачондиган ҳам кук-
лашган Тошкент республи-
туғилган кунини байрам
кутиб олмоқда. Ҳамма ж-
да СССР ва Забискин
ССРнинг, қардош иттиф-
дош республикаларининг д-
лат - байроқлари, қи-
транспарантлар, Ленинни
удуғ партиясинин, со-
ҳалқларнинг бузилмас ду-
лигини шарафловчи ала-
лар товланиб турибди.

(Давоми бешинчи бетда).

